

**Эрназарова Г. О.**

*Чирчиқ давлат педагогика университети  
Педагогика факультети*

*Умумий педагогика кафедраси мудири,  
п.ф.д (DSc), проф.*

**Исмаилов Ф. Х.**

**Авазова Р. Ф.**

*Чирчиқ давлат педагогика университети  
Педагогика факультети талабалари*

**Аннотация:** ушбу мақолада ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш мезони инновацион таълим муҳитни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, у касбий фаолиятга умумпедагогик тайёргарлик жараёнида шакллантирилиши, олимларнинг фикрича аутопсихологик компетентлик касбий ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини ривожлантириш тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, касбий шаклланиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга эканлиги, касбий мотивлар асосида аутопедагогик компетентликни ривожлантириш мезони масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** аутопедагогик компетентлик, касбий фаолият, касбий ўз-ўзини англаш, касбий мотивлар, инновацион фаолият, педагогик маҳорат, ижодий фаоллик.

**Аннотация:** в данной статье формирование ауто-педагогической компетентности педагога тесно связано с развитием инновационной образовательной среды, она формируется в процессе общепедагогической подготовки к профессиональной деятельности, по мнению ученых, аутопсихологическая компетентность связана с понятием профессионального самосознания, самопознания и самореализации.-развитие, это важно в процессе профессионального становления, вопросы

**Ключевые слова:** ауто-педагогическая компетентность, профессиональная деятельность, профессиональное самосознание, профессиональные мотивы, инновационная деятельность, педагогическое мастерство, творческая деятельность.

**Abstract:** in this article, the formation of an autopedagogic competence of a teacher is closely related to the development of an innovative educational environment, it is formed in the process of general pedagogical preparation for professional activity, according to scientists, autopsychological competence is associated with the concept of professional self-awareness,

*self-knowledge and self-realization.-development, it is important in the process of professional formation, questions*

**Keywords:** *autopedagogic competence, professional activity, professional self-awareness, professional motives, innovative activity, pedagogical skills, creative activity.*

Бугунги кунда таълимдаги инновацион жараён таълим амалиётини такомиллаштириш, янгиликларга асосланган таълим тизимларини ривожлантириш, ғояни маҳсулот, технология, хизматга айлантириш жараёнидир. Буларнинг барчаси инноватор ўқитувчидан инновацион таълим муҳитини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва диверсификация қилишни талаб қилади.

Таълим муассасасида инновацион таълим муҳитини ривожлантириш мавжуд педагогик тизимда сезиларли ўзгаришларни, ҳар бир интизом учун ўзига хос таълим технологияларини ишлаб чиқиш, ўқув мажмуаларининг тубдан янги услубий базасини яратиш, таълимнинг янги усуллари ва ташкилий шаклларини жорий этиш бўйича қатор ишларни бажаришни талаб қилади. Шундай қилиб, ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш мезони инновацион таълим муҳитни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг асосий интегратив мезони сифатида таълим жараёнининг барча субъектларини самарали шахсий ва касбий ривожланиш учун имкониятлар тизими билан таъминлаш қобилиятини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу муаммонинг назарий ва амалий даражада етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Илмий таҳлиллар аутопедагогик компетентлик касбий фаолиятга умумпедагогик тайёргарлик жараёнида шакллантирилиши лозимлигини кўрсатади.

О.А.Абдуллинанинг фикрича, талабаларнинг умумпедагогик тайёргарлигига назарий ва амалий таълим яхлитлилиги ҳамда тизимлилигини, ўзаро алоқасини таъминлаш асосида эришилиши, тайёргарликнинг мотивацион-қадрий ва мазмунли-жараёнли томонларнинг бирлиги сифатида қаралиши, воситалар тизимидан фойдаланилиши, аниқ педагогик шароитлар эътиборга олинishi, бўлажак ўқитувчиларнинг умумпедагогик тайёргарлиги принциплари бирлиги ва функцияларининг ўзаро алоқадорлиги амалга оширилиши сифатида татбиқ этилган [1; 141-б.].

Н.В.Кузминанинг фикрича, аутопсихологик компетентлик касбий ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини ривожлантириш тушунчаси билан боғлиқ [2]. Бу атамалар ўқитувчининг етарли касбий билимларга эга эканлиги, ўз касбий хусусиятлари ҳақидаги ғоялар ва касбий ва шахсий деструкцияларни бартараф этиш технологияларини билишини англатади.

Индивидуал-ижодий ёндашув инновацион фаолият моделини қуришнинг методологик асосларидан бири ҳисобланади. Мазкур ёндашув В.А.Кан-Калик ишларида назарий асосланган. Унинг моҳияти шундан иборатки, у шахснинг умумий ва касбий ўз-ўзини ривожлантириш механизминини ишга туширишга имкон беради ва

касбий шаклланиш жараёнида мотивацияни, унинг динамикасини назарда тутди. Индивидуал ижодий ёндашувнинг асосий вазифаси шахснинг ўз-ўзини амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ижодий имкониятлар ташхиси ва ривожланиши, муаллифлик вазияти, педагогик фаолиятнинг бетақдор технологиясидан ташкил топади [3].

Таълим тизими муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш методикаси ва технологиясида юз бераётган тубдан ўзгариш ва янгиланишлар, педагогик янгиликлар, ўқитувчи фаолиятининг инновацион йўналганлиги, таълим сиёсатининг янгиланиши кабилар бўлажак ўқитувчининг ушбу янгиланишларга касбий тайёр бўлиши, шу жумладан аутопедагогик компетентликка эга бўлишини тақозо этади.

Юқорида таҳлил этилган инновацион ўзгаришларга касбий жиҳатдан тайёргарликни таъминлаш учун бўлажак ўқитувчиларда аутопедагогик компетентлик шакллантирилиши зарур.

Таълим муассасаларининг педагогик жамоалари, методик хизматларининг раҳбарлари фаолиятида ўқитувчилар томонидан киритилаётган педагогик инновацияларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларни муваффақиятли ишлаб чиқиш ва қўллаш учун зарур шароитларни яратиш, умумтаълим мактабларининг бозор муносабатларига ўтишлари, уларнинг рақобатбардошлиги ҳақиқий вазиятни яратадиган янги турдаги, жумладан, нодавлат таълим муассасаларини яратиш муҳим йўналишга айланмоқда.

Маълумки, инновацион фаолиятни амалга ошириш босқичида рефлексия икки жараён билан бирга кечади:

1) ўқитувчи худди башорат босқичига тақдоран қайтади ва у ерда концепциянинг алоҳида ташкил этувчиларини кузатади;

2) иккинчи жараён ўз фаолиятига рефлексия билан, яъни мақсадни амалга ошириш жараёни билан боғлиқ: ўқитувчи имкониятлари ва ташқи шароитлар боғлиқлигининг таҳлили содир бўлади, инновациялар, малакалар, педагогик амаллар, мазмун таҳлил этилади.

Кўриб чиқилган ўқитувчининг инновацион фаолияти жараёнлари унинг ҳатти-ҳаракатлари ва хулқини белгилайди. Инновацион хулқи асосида педагогик амалиёт шароитларида амалга ошириладиган мукамаллик идеали ва қиймати ётади. Бундай хулқ мулоқотда, ўқитишда, ўз-ўзини белгилашда, рефлексив жараёнлар кечишида ва бошқаларда намоён бўлади.

Ўқитувчининг педагогик-инновацион фаолиятида креативлик муҳим тавсиф ҳисобланади. Миллий психологияда креативлик ижтимоий аҳамиятли ижодий фаолликни намоён этиш қобилиятига боғлиқ бўлган ижодкорлик”, инсоннинг ижодий имкониятлари, инсон индивидуумининг маълум алоҳида барқарор хусусият сифатида қаралади [2].

Бўлажак педагогларни тайёрлашнинг янги талаблари: касбий фаолиятга тайёрлашга шароит яратиш, тез ўзгарувчан меҳнат мазмуни ва доимий равишда узлуксиз янгиланадиган билимлар зарурияти билан боғлиқ [19; 114-116-б.]. бу ўз навбатида ўқитувчидан доимий ўзини ижтимоий касбий ривожлантиришни талаб этади. Ушбу талаб эса, аутопедагогик компетентлик орқали бажарилиши мумкин.

Чунки, ўқитувчининг аутопедагогик компетентлиги унинг ажралмас касбий ва шахсий характеристикаси бўлиб, ижодий салоҳиятни ривожлантириш ва ўз-ўзини такомиллаштириш билан унумли шуғулланишга тайёрлиги ва қобилиятини белгилайди. Шунинг учун бўлажак ўқитувчи шахсининг касбий шаклланишида унинг ўз-ўзини ривожлантириш ғоясини амалга ошириш натижасида ўқитувчининг аутопедагогик компетенциялар тизимини маълум даражада ривожланишига эришиш мумкин. Шу сабабли бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда касбий компетентликни ривожлантириш мезони ҳолати танлаб олинган тажриба синов объектларида турли педагогик тадқиқод методлари орқали ўрганилди ва натижалар аниқланди.

Юқорида кўриб чиқилган аутопедагогик компетентликнинг муҳимлиги ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда касбий компетентликни ривожлантириш мезони ҳолати тажриба-синов объектларида ўрганилди ва таҳлил қилинди. Унинг натижасига кўра, педагогнинг касбий маҳорати ва касбий маҳоратини ривожлантириш мезонига олимларнинг қизиқиши кенг бўлишига қарамай, бўлажак бўлажак технологик таълим йўналиши ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш мезони муаммоси ҳали етарли даражада ўрганилмай қолмоқда.

Бундан ташқари, "Аутопедагогик компетентлик" тушунчасини белгилаш, унинг мазмунидаги фарқларни ўқитувчининг касбий маҳорати, ижодкорлиги ва ўзи-ўзини англаши бўйича концепсия мавжуд эмас. Шундай қилиб, бугунги кунга келиб бўлажак ўқитувчиларда олий таълимнинг инновацион муҳити шароитида аутопедагогик компетентликни ривожлантириш мезони истиқболлари аниқланмаган бўлиб, бу тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб берди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдуллина О.А. *Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования.* – М.: Просвещение, 1990. – 141 с.
2. Кузьмина Н.В., Гинецинский В.И. *Актуальные проблемы профессионально-педагогической подготовки учителя // Советская педагогика.* 1997. – № 3. – С.63 – 66.
3. Кан-Калик, В.А. *Педагогическое творчество / В.А. Кан-Калик, Н.Д. Никандров.* – М. : Педагогика, 1990. – 144 с.

4. Прокофьева М.Ю. Профессионально-педагогическая компетентность как интегральная характеристика будущего педагога // Крымский государственный гуманитарный институт (г. Ялта). – 2004. – С. 4.
5. Ernazarova, G. O., Qaynarova, I. V. (2021). Zamonaviy dasturlashtirilgan o'qitishni qo'llash. Zamonaviy ta'lim va tarbiya, 1(1), 75-81.
6. Qorayev, S. B., & Janbayeva, M. S. (2021). Boshlang'ich sinflarda sinfdan tashqari ishlarni tashkil etishning zamonaviy tamoyillari. Academic research in educational sciences, 2(CSPI conference 1), 1492-1496.
7. Janbayeva, M. S., & Qorayev, S. B. (2021). Modern principles of organization of extracurricular activities in primary schools. Экономика и социум, (5-2), 837-843.
8. Smatillayevna, J. M., Hilola, R., & Mannona, M. (2023). Organization and management of the education process at the school based on the cluster approach. образование наука и инновационные идеи в мире, 20(8), 66-68.
9. Qorayev, S. B., & Janbayeva, M. S. (2022). Boshlang'ich ta'limda o'qish darslarida interfaol metodlarni samarali qo'llashning o'ziga hos jixatlari. Academic research in educational sciences, 3(1), 1079-1085.
10. Janbayeva, M. S., & Qorayev, S. B. (2021). Boshlang'ich sinflarda sinfdan tashqari ishlarni tashkil etishning zamonaviy tamoyillari. Экономика и социум, (5-2 (84)), 837-843.
11. Oblaqulovna, E. G., Zarifamukaddamovna, K., & Valievna, Q. I. (2021). The importance of developing innovative methods in the educational system. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(05), 833-838.
12. Ernazarova, G. O., Mukaddamovna, K. Z., Valievna, Q. I., & Bolatbekovich, K. A. (2022). The Need To Study Pedagogical Professional Thinking. Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching, 5, 95-98.